



Ўзбекистон Республикаси  
Давлат геология  
ва минерал  
ресурслар қўмитаси

№ 2190-1262-e7c7-8c0e-1380-5646-9815  
Хужжат яратилинган сана: 2022-08-01  
Ариза рақами: 56418274

Хужжат берилган:  
"FARG`ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA" MAS`ULIYATI  
CHEKLANGAN JAMIYAT  
ЖШ ШИР: 300196437

Гидрогеология корхонасининг номи: **Farg'ona gidrogeologiya stansiyasi**

### ГИДРОГЕОЛОГИК ХУЛОСА

серия: FR рақами: 0465;

Ушбу гидрогеологик хулоса "FARG`ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA" MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT га Фарғона вилояти Фарғона тумани Окбиллол МФЙ да жойлашган Қишлоқ хўжалиги (суғориш) мақсадларда берилди.

Гидрогеологик хулосанинг амал қилиш муддати 01.08.2024 йил гача.

АУТМЕТОВ RUSTEM XXX

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу хужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Хужжат ҳақиқийлигини [go.gov.uz](http://go.gov.uz) веб-сайтида хужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

6162



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА  
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ  
«ЎЗБЕКГИДРОГЕОЛОГИЯ» ДУК  
ФАРҒОНА ФДГГЭ




Тасдиқлайман:

ФАРҒОНА ДГГЭ

Б. К. Усмонов

"01" август 2022 й.



Фарғона вилояти Фарғона тумани Оқбиллол МФЙ ҳудудини ер ости  
сувлари ҳисобидан суғориш имконияти тўғрисида  
№230Ф/2022-сонли

## ГИДРОГЕОЛОГИК ҲУЛОСА

Фарғона ДГГЭ бош геологи:

A handwritten signature in black ink, appearing to be "R. X. Holikov".

Р.Х. Холиқов

Қақир қ.– 2022й.

**Фарғона вилояти Фарғона тумани Оқбиллол МФЙ ҳудудини ер ости сувлари ҳисобидан суғориш имконияти тўғрисида**

**гидрогеологик ҳулоса**

**1. Ҳулоса бериш учун асос**


Ушбу гидрогеологик ҳулоса "FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYINA" МСНҲни Ягона интерактив давлат хизмалари партали орқали мурожатига асосан тузилган, 20.07.2022й.даги 56418274 сонли аризага асосан Фарғона вилояти Фарғона тумани Оқбиллол МФЙ ҳудудини ер ости сувлари ҳисобидан суғориш имконияти тўғрисида гидрогеологик ҳулоса беришни сўради.

Суғориш учун ер ости сувларига бўлган талаб 2400 м<sup>3</sup>/кунни ташкил қилади.

Ушбу ҳулосани тайёрлашда Фарғона ДГГЭнинг фонд ва архив материаллари ишлатилган.

Аризада буюртмачи қуйида келтирилган кудук бурғилаш нуқтасини кўрсатди.

Нуқта №	Шарқий узунлик	Шимолӣ кенглик
Н1	71.661768	40.306332



**2. Ҳулосанинг мақсади**

Фарғона вилояти Фарғона тумани ҳудудини ер ости сувлари ҳисобидан хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш имкониятини асослаш.

### **3. Хулоса бериш бўйича ишларнинг таркиби**

Лойихаланаётган сув олиш иншоотини худудини гидрогеологик ўрганиш ишларини олиб бориш, мавжуд фонд ва архив материаллари билан танишиш, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш в.б.

### **4. Худудни жойлашиши**

Ер ости сувлари ҳисобидан суғориш учун таъминланадиган худуд Фарғона вилояти Фарғона тумани Окбиллол МФЙ худудида жойлашган.

### **5. Рельеф ва морфологик шароитлар**

Геоморфологик нуктаи назардан, ўрганилаётган майдон Ёрмозор ер ости сув конининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Ер юзасини мутлок баландликлари 660 дан 675 метргача.

### **6. Сув таъминоти худудини геологик ва гидрогеологик шароитларининг қисқача тавсифи**

#### **6.1. Геологик тузилиши**

Тадқиқот майдонининг геологик ва гидрогеологик шароитлари 1990-1992 йиллардаги Файзиобод ГГГ ва 2015-2018 йиллардаги Адир ЭГГ тадқиқотлари натижалари, шунингдек, ўрганилаётган худуд яқинида жойлашган фойдаланилаётган кудуклар маълумотлари бўйича ҳисоботларда келтирилади. Шунинг учун, қуйида биз уларнинг тавсифи билан чекланамиз.

Сўх ётқизиклари (Q<sub>1sh</sub>) Ушбу ётқизиклар ўрганилаётган худудида кенг тарқалган бўлиб, тоғ этакларида, жанубда жойлашган дарёларнинг баланд терассалари ва қадимий конус виносларда учрайди. Чимион-аввал депрессиясида ушбу ётқизиклар сезиларли (60-350м) чуқурликда кўплаб кудуклар томонидан очилган. Хосил бўлиш жиҳатдан бу ётқизиклар турли литологик ва петрографик таркибдаги аллювиал-пролювиал ва пролювиал ётқизиклардан иборат. Ушбу ётқизиклар харсангтошлар охактош ва глина билан цеменлашган холда, шағал тош, харсангтош-шағалтош, қумтош алевролит ва соз тупроқлардан иборат.

Харсангтош ва шағалтошлар ўрта ва яхши силликланган чўкинди-метоморфик тоғ жинсларидан иборат.

Ушбу ётқизиклар турли ўлчамдаги ўзгарувчан тошлар, шағал, камрок қум ва соз тупроқ билан ифодаланади. Шу билан бирга, тоғ жинслар ўлчамининг жанубдан шимолга табиий пасайиши, жинсларнинг сезиларли даражада зичлашиши ва тош-шағал қатламларида қум зарраларининг кўпайиши кузатилади.

Тошкент ётқизиклари (Q<sub>1ts</sub>) Ўрганилаётган худудда кенг тарқалиши билан тавсифланади. Ушбу ётқизиклар Окбиллол, Пакана-Лоғон адирлари юзасида тарқалган бўлиб зич шағалтош, харсангтошлар қумтош ва алевролит қатламларидан иборат. Шағалтош ва харсангтошлар яхши силликланган метоморфик тоғ жинсларидан иборат.

Адирларда ўрта тўртламчи ётқизикларнинг қатлам қалинлиги 20-30 ва 50-60 м гача бўлади. Ўрганилаётган ҳудудда тошкент ётқизиклари комплекси ўзидан ёш ётқизиклар остида тарқалган бўлиб кўплаб қудукларда қатлам юзаси 30-50м чуқурликда очилади. Тошкент ётқизиклари комплексининг энг тўлиқ қатлам қалинлиги Чимион-Аввал ГГГ қудуғи Iро томонидан очилган бўлиб, қатлам қалинлиги 250-260 метрни ташкил этади.

Мирзачўл ётқизиклари (Q<sub>IIIg1</sub>) Ушбу ётқизиклар ҳудуднинг қатта қисми юзасини ташкил этиб, дарёлар водийларида тарқалган.

Мирзачўл ётқизиклари конус-винослар чўққисида ва тоғ этаклари яқинларида тарқалган харсангтош-шағалтош ва шағалтош қатламлари майда шағалтош ва кумтошлардан иборат.

Конус-виноснинг периферик қисмида ушбу комплекс ётқизиклари қатлам қалинлиги кам бўлган (3-6м) соз тупроқ билан ифодаланади.

Ундан қуйи қатламларда кичик шағалтошлар тарқалган. Мирзачўл ётқизикларининг максимал қатлам қалинлиги Ёйилма қишлоғи ҳудудида қайд этилган, бошқа ҳудудларда уларнинг қатлам қалинлиги камайд. Шағал тошлар ва харсанг тошлар яхши силликланган, зичлашган, базада изометрик шаклга эга бўлиб таркибида чўқинди-метаморфик жинслар-кварцли кумтошлар, метаморфик оҳақтошлар, кристалли сланецлар мавжуд.

Сирдарё ётқизиклари (Q<sub>IVsd</sub>) Ушбу ётқизиклар Шохимардансой дарёсининг водийларида (Марғилонсой, Олтариқсой, Файзободсой) ва бошқа кичик вақтинчалик сув ирмоқларида тарқалган. Сирдарё ётқизиклари харсангтош шағалтош (Дарё водийларида) ва созтупроқ-кумтошли ва майда шағалтошлардан иборат. Қатлам қалинлиги 5-6 м дан ошмайди.

## 6.2. Ҳудуднинг гидрогеологик шароити

Фарғона депрессияси гидрогеологик жиҳатдан йирик тоғлараро артезиан ҳавзасидир. Гидрогеологик шароити ҳудуднинг турли хил геоструктурали тузилиши, ер ости сувлари ҳосил бўлиш омиллари ва ҳудуднинг техноген ўзгариши туфайли жуда мураккабдир. Фарғона артезиан ҳавзасида сувли қатламларда таркиби ва хоссалари, келиб чиқиши ва вужудга келиши турли хил шароитга эга бўлган ер ости сувлари мавжуд. Шунини таъкидлаш керакки, ўрганилаётган майдон Ёрмозор ер ости сув қониға киради.

Гидрогеологик шароити қуйида қисқача тавсифланган.

Ўрганилаётган майдон Фарғона артезиан ҳавзасининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. У жанубдан адирлар билан, шарқ ва ғарбдан конуслараро ботикликлар билан чегараланган, шимолда Сирдарё дарёсининг аллювиал водийси билан чегараланган.

Грунт сувларининг кучли оқими конус-виноснинг бош қисмида тарқалган, у эрда мирзачўл, тошкент ва сўх сувли горизонтлари ягона гидродинамик тизимни ташкил қилади. Шағал тошларнинг кўтарилган қисмида ер ости сувларининг сатҳи 60-125м ташкил этиб, шимолий ҳудудлардаги харсангтош ва шағалтошларда грунт сувлари сатҳи ер юзасига яқинлашиб ўсимлик қатлами бошланиши билан (КФК 1,5-2,0 км гача), шағал

тошлар ўсимлик қатлами билан қопланади ва сувли қатламларининг сув ўтказувчанлиги камаяди, ер ости грунт сувлари оқимининг бир қисми булок кўринишида чиқади.

Қирқимда конус виноснинг ўрта ва перифирик қисмида босимли қатламлар мавжуд бўлиб, ушбу қатламларда босимли сувлар мавжуд.

Майдонда сўх сувли қатлами юзаси 550-650м чуқурликда бир нечта қудуқларда очилган. Ушбу комплекс ер ости сувлари шағалтош, майда шағалтош, қум ва харсангтошларда тарқалган. Улардан деярли фойдаланилмайди.

Тошкент ер ости сувлари горизонти қатлам юзаси кўплаб қудуқлар томонидан 100-120м чуқурликда очилган, қатлам қалинлиги 400-450м. Ер ости сувли горизонти шағалтош, майда шағалтош ва қум тоғ жинсларида тарқалган. Қудуқларнинг сув сарфи 2,5 дан 5,6 л/с гача. Ер ости сувлари босимли бўлиб, пьезометрик сатх 14,5м дан 68м гача. Сув чиқариш ишларида олинган натижалар шуни кўрсатадики сув сарфи 3,0-5,0 л/с дан 10 л/с гача ва ундан кўп. Ер ости сувлари сифати яхши эмас қуруқ қолдиқ 1.2 г/л гача, умумий қаттиқлик 14,5 мг-экв/л.

Мирзачўл комплекси конуснинг шағалтош ётқизиклари юқори қисми сувсиз (дренажланган). Марказий ва периферик қисмлари нисбатан сувли ҳисобланади. Конус-виноснинг марказий қисмида қудуқларнинг солиштирма сув сарфи 10-15л/с ни ташкил қилади. Перифериянинг чекка қисми ва конуслараро ботқик томон сувли горизонинг сув миқдори камаяди (солиштирма сарф 0,5-1,0 л/с).

Ер ости сувли горизонти минераллашуви шарқий ва ғарбий томон КФК гача 1,0 г/л ошади.

Ер ости сувлари асосан Файзободсой, Шохимардонсой ва уларнинг ирмоқлари қисман ерларни суғоришдаги инфилтрация ҳисобига ҳосил бўлади. Бундан ташқари, маълум миқдордаги ер ости сувлари жанубдан, яъни Чимион-Аввал ён бағирлари депрессиясидан келади.

Қуйидаги жадвалда ҳудудга яқин бўлган қидирув қудуқларининг сувли қатламларини тажриба-синаш натижалари келтирилган.

№	Қудуқ №	Қудуқ чуқурлиги, м	Филтр ўрнатиш оралиғи, м	Статик сатх, м	Сарф, л/с	Сатх пасайиши, м	Солиштирма сарф, л/с	Қуруқ қолдиқ, г/л	Умумий қаттиқлик мг-экв/л
1	5р	120	90-110	74,90	4,23	2,90	0,68	0,65	8,70
2	10р	250	220-240	70,85	7,33	4,50	0,61	0,99	10,0
3	3н	120	100-120	71,24	2,2	-	-	0,581	6,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти Оқбиллол МФЙ ҳудуди сувнинг статик сатхи ердан 70,85-74,9м пастда жойлашган. Сувнинг қуруқ қолдиғи 0,58-0,99 мг-экв/л гача. Солиштирма сарф 1 м пасайиш учун 0,61-0,68 л/с. Сувнинг умумий қаттиқлиги 6,4-10 мг-экв/л.

Адир ЭГГ томонидан қидирув ишлари жараёнида 5р ва 3н қидирув қудуғи 120 м чуқурликгача қазилган.

5р қудуғининг литологик тавсифи:

0,0-6 Майда шағалтош

6,0-24 Кичик ўлчамли шағалтош майда шағалтош аралашган

24-88 Турли ўлчамли шағалтош майда шағалтош аралашган

88-101 Катта ўлчамли шағалтош

101-160 Ўртача ўлчамли шағалтош

## 7. Хулоса ва тавсиялар

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ушбу хулоса корхонанинг бир неча йил олдинги мавжуд фонд ва архив материаллари асосида тузилган;
- кўриб чиқиладиган ҳудудда суғориш мақсадида батафсил гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилмаган;
- ер ости сувларининг гидрокимёвий режими барқарор эмас;
- ер ости сувлари билан таъминланиш даражаси баҳоланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Фарғона вилояти Фарғона тумани юқори Оқбиллол МФЙ ҳудудини суғориш учун танланган участкада 160м чуқурликдаги 2та қудуқни бурғиладиган ва жиҳозлаш тавсия этилади. Қудуқлар орасидаги масофа 100метрдан кам эмас. бурғиланаётган қудуқларда филтр ўрнатишнинг тахминий оралиғи 135-155м. Ер ости сув қатламларининг сув берувчанлиги, чуқурликка ва тоғ жинслари таркибига қараб ўзгаради, шуларни ҳисобга олган ҳолда бурғиланаётган қудуқда геофизик тадқиқотлар (электрокоротаж) ўтказилиши лозим, уларнинг натижалари асосида филтр ўрнатиш оралиғи аниқланади. Филтр тешиклари 15% дан кам бўлмаслиги керак.

Қудуқнинг ер юзаси 0-3м цемент қоришмаси билан мустаҳкамланади. Цементлаш ишларидан кейин қудуқни тоза сув билан ювиш ишлари амалга оширилади, шундан сўнг умумий давомийлиги 3 кун бўлган тажриба-синов сув чиқариш ишлари ўтказилади, зарурат бўлганда (ер ости сувларида қаттиқ заррачалар рухсат этилган нормадан кўпроқ пайдо бўлганда) давом эттирилади. Тажриба сув чиқариш ишлари кимёвий таҳлил учун сув намуналарини 1 литр ҳажмда олиш билан яқунланади.

Сув истеъмоли ҳудудининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, бурғиланган қудуқка сув кўтарувчи насоси тури ЭЦВ-8 тушириш ва камида 130 метр чуқурликка ўрнатиш тавсия этилади.

Ушбу участканинг геологик, гидрогеологик ва гидрокимёвий шароитларининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, ФДГТЕ гидрогеолог

мутахассисларини шартнома асосида геофизик ишлар диаграммасини интерпретацияси, кудукни маҳкамловчи қувурлар билан жиҳозлаш, цементлаш, кудукни ювиш, тажриба-синов сув чиқариш ишларига жалб қилиш тавсия этилади. Ушбу хулоса кудукни бурғилаш учун ер худудини танлаш жараёнида корхонанинг гидрогеологи мутахассиси иштирокида ҳақиқий ҳисобланади.

Сув таъминоти учун ер ости сувларига кудук бурғилаш кўзда тутилган ҳолларда ўрнатилган тартибда Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рухсатнома олиниши зарур. Рухсатнома олмасдан ер ости сувларига кудук бурғилаш тақиқланади ва қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарлик чораларини кўришга асос бўлади.

Кудукни фойдаланишга топшириш фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.01.2021 йилдаги 9-сонли қарорига мувофиқ сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома олгандан кейингина йўл қўйилади.

Кудукдан фойдаланувчи ташкилот сув миқдори, ер ости сувларининг сатҳ ва сифат даражасини доимий равишда кузатиб боради ва махсус журналда қайд этади, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 декабрдаги 430-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер ости сувларини давлат мониторинги тўғрисидаги низом" га мувофиқ ер ости сувларини ишлаб чиқариш мониторингини олиб боради.

Ушбу гидрогеологик хулоса тавсиявий тусга эга бўлиб, ер ости сувларига кудук бурғилаш, қурилиш ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини тузишда фойдаланилиши мумкин.


*1. Тавсия этилган лойиҳавий кудукнинг геолого-литологик қирқими ва конструкцияси*

Хулоса тайёрловчи гидрогеолог:




Жўраев Д.Р.

Фарғона вилояти Фарғона тумани Оқбиллол МФЙда жойлашган  
 пойхавий қудуқнинг геолого-литологик қирқими ва конструкцияси



УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ФАРГОНА ВИЛОЯТИ  
ОЛТИАРИК ТУМАНИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FARG'ONA VILOYATI  
OLTIARIQ TUMANI

«КУРИЛИШ ЛОЙИХА ЭКСПЕРТИЗА СИНОВ»  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

«QURILISH LOYIHA EKSPERTIZA SINOV»  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

MANZIL: 716634 Oltiariq tumani, Qarqchug'ay qishlog'i, Sharq tongi ko'chasi H/R: 20208 00060 44272 50001  
MFO 00544 ATIB "Ipoteka Bank" Fargona shaxar bo'limi, INN: 205 745 947

«УТВЕРЖДАЮ»

Директор ООО «Курилиш  
лойиха экспертиза синов»



Д. Мирзарахимов

25 июля 2022 года.

Номер лицензии: №КЛЭ 000109  
от 28.12.2020 года

## ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ №43-1/22 (ЭКСПЕРТНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ)

ПО РАССМОТРЕНИЮ СМЕТНОЙ ЧАСТИ РАБОЧЕГО ПРОЕКТА: «ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФАРГОНА  
ТУМАНИ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УК НИНГ «ОКБИЛОЛ» МФЙ  
ХУДУДИДАГИ ЁРДАМЧИ ХУЖАЛИК ЕР МАЙДОНИГА СУГОРИШ ТИК КУДУГИ  
КУРИШ»

**Заказчик на экспертизу:** ООО «Farg'onaumumtadbirqurloyiha»

**Источник финансирования** Собственные средства

**Проектная организация:** ООО «Farg'onaumumtadbirqurloyiha»

**Номер лицензии:** №АЛ-001711 от 24.03.2021 г. выданное  
Минстроем Республики Узбекистан.

**Главный инженер проекта:** Вахобов. М.

**Год разработки:** 2022 год.

## 1. ОСНОВАНИЕ ДЛЯ РАЗРАБОТКИ РАБОЧЕГО ПРОЕКТА:

- 1.1 Письмо-заказ.
- 1.2. Действующая на территории Республики Узбекистан сметно-нормативная база.
- 1.3. Обмерные чертежи, ведомость объемов работ.

## 2. МАТЕРИАЛЫ, ПРЕДСТАВЛЕННЫЕ НА РАССМОТРЕНИЕ:

- 2.1. Книга 1. Сметная документация:
  - Структура прямых и прочих затрат.
  - Локальные ресурсные ведомости и ведомости потребных ресурсов.

## 3. СМЕТНАЯ ЧАСТЬ.

Расчетная стоимость объекта «Фаргона вилояти Фаргона тумани Йуллардан фойдаланиш УК нинг «Окбиллол» МФЙ худудидаги ёрдамчи хужалик ер майдонига сугориш тик кудуги куриш» определена в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 261 от 11 июня 2003 года «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений», постановлением Кабинетом Министров от 12 мая 2004 года №226 «О внесении изменения в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и правилами определения стоимости строительства в договорных текущих ценах – ШНК 4.01.16-09. В основе расчета использован «Ресурсный метод».

Прямые затраты подрядчика	361026,4	тысяч сум
Прочие расходы и затраты подрядчика	58319,4	тысяч сум
Прочие затраты и расходы заказчика	845,4	тысяч сум
Транспортно-заготовительные расходы	5%	
Коэффициент риска	0%	

## 4. ЗАМЕЧАНИЯ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ ЭКСПЕРТИЗЫ:

- 4.1. В прочих затратах подрядчика удельный вес «Прочих затрат» определен в размере 19,39 %.
- 4.2. Заработная плата рабочих-строителей составляет 13568,68 сум чел/час с учетом соц.страха.
- 4.3. Исключены заготовительно-складские расходы.
- 4.4. Оборудования отделены из состава строительных материалов и отнесены к затратам оборудования (счетчики холодной воды)
- 4.5. По статье «затраты на эксплуатацию машин и механизмов» исключена стоимость бортовых автомобилей.
- 4.6. Электрокаботаж принять 1500,0 тысяч сум против заявленной 2000,0 тысяч сум.
- 4.7. Заявленные затраты на строительные материалы, изделия и конструкции уточнены согласно «Каталога текущих цен на строительные материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан» за 4-й квартал 2021 года, выпускаемый Центром по экономическому реформированию и ценообразованию в строительстве Госкомитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству:
  - трубы стальные  $d=219 \times 8$ мм приняты по цене 430,0 тысяч сум за 1м,
  - фильтры скважин из труб  $d=219$ мм приняты по цене 455,0 тысяч сум за 1м,
  - задвижка  $d=80$ мм приняты по цене 780,0 тысяч сум за 1шт,
  - долота трехшарошечные  $d=295$ мм приняты по цене 20800,0 тысяч сум за 1шт.



4.8. В результате экспертизы заявленная расчетная стоимость в сумме **486936,3** тысяч сумм снизилась на **36782,8** тысяч сумм и определена в сумме **450153,5** тысяч сумм с НДС в том числе затраты заказчика **781,5** тысяч сум.

### ВЫВОДЫ:

ООО «Курилиш лойиха экспертиза синов» рассмотрев представленный рабочий проект: «Фаргона вилояти Фаргона тумани Йуллардан фойдаланиш УК нинг «Окбиллол» МФЙ худудидаги ёрдамчи хужалик ер майдонига сугориш тик кудуги куриш» *Рекомендует к утверждению* со следующими показателями в текущих ценах:

(тысяч сум)

Наименование статей затрат	Заявленная стоимость	Рекомендуемая стоимость
Строительные материалы и изделия с учетом транспортно-заготовительных расходов	208520,8	183186,9
Эксплуатация машины и механизмы	53657,9	51864,4
Кабельная продукция	19969,7	19969,7
Оборудования	60255,7	61313,9
Затраты на основную зарплату с учетом соц.страха	18622,3	18622,3
Итого прямых затрат	361026,4	334957,2
Прочие затраты подрядчика	58319,4	53059,4
Страхование объекта	1342,0	1241,7
Электрокаротаж	2000,0	1500,0
<b>Всего стоимость строительства без НДС</b>	<b>422687,8</b>	<b>390758,3</b>
<b>Всего стоимость строительства с НДС</b>	<b>486090,9</b>	<b>449372,0</b>
Прочие затраты заказчика	845,4	781,5
<b>Всего стоимость строительства с НДС и с затратами заказчика</b>	<b>486936,3</b>	<b>450153,5</b>

**Примечание:** В условиях рыночных отношений «Экспертное заключение...» имеет рекомендательный характер и используется для предварительных переговоров или для использования при проведении конкурсных торгов и не является основанием для договора подряда или взаиморасчетов между сторонами. Окончательное решение принимает заказчик по согласованию с подрядчиком.

Эксперт:



Б. Мирзарахимов



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACSI ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**“Ўзэнергоинспекция” Фарғона ҳудудий бўлими  
электр таъминоти лойиҳаси келишилганлиги ҳақида  
ХУЛОСА**

2022 йил “03” 08 хулоса рақами: 15-1293 қуввати: 46 кВт

“FARG‘ONAUMUMTADBIRQURLOYINA” МЧЖнинг 57006993-сон аризасига мувофиқ Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Оқбиллол МФЙ ҳудудида жойлашган “Фарғона туман йўллардан фойдаланиш” УК тегишли “Тик қудуқ”нинг электр таъминоти лойиҳаси келишилди.

Электр таъминоти лойиҳасининг техник тавсифлари ушбу хулосага иловада кўрсатилган ва хулосанинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бўлим бошлиғи

**Х.Эшқўзиев**

**«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ  
ФАРГОНА ТУМАН ОКБИЛОЛ МФЙ ХУДУДИДА «ФАРГОНА ТУМАН  
ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ» УК ЁРДАМЧИ ХУЖАЛИК ЕР МАЙДОНИГА  
УРНАТИЛАЁТГАН ТИК КУДУКНИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЛОЙИХАСИ  
ХАКИДАГИ ТЕХНИК МАСАЛАЛАР БУЙИЧА ДИРЕКТОР**

**740-КАРОРИ**

Фаргона ш.

01.08.2022 йил Лойиха,

«Фаргонаумумтадбиркурлойиха»  
МЧЖ томонидан «Фаргона ХЭТБ»  
АЖни 25.07.2022 йил 1654-8  
сонли техник шарти асосида  
бажарилган.

**ЛОЙИХАНИ КИСКАЧА МАЗМУНИ**

Лойихада, Тик кудукни электр таъминоти 35/10 кВли Бройлер п/ст-си 10 кВли  
Сугориш узатмасининг мавжуд таянчидан бажарилиши белгиланган.

10 кВли Сугориш узатмасининг мавжуд таянчидан Тик кудук учун  
урнатилаётган ТПгача булган масофага бетон таянчлар урнатилиб АС-35мм<sup>2</sup>ли  
сим осиб олиб бориб уланиши курсатилган.

Юклама марказига КТП-40/10/0,4 кВли трансформатор пункти  
лойихалаштирилган. ТПдан Тик кудук 0,4 кВли ЩУсигача булган масофага  
АВВГ русумли кабельда, 0,4 кВли ЩУдан Тик кудукнинг электр двигателигача  
булган масофага ВПП русумли симда олиб бориб бажарилиши  
лойихалаштирилган.

АСКУЭ тизими билан бирга ишлай оладиган электрон ҳисоблагич ТПга  
урнатилиши курсатилган. Лойихада АСКУЭ тизимида боғланиш схемаи  
лойихалаштирилган.

Тик кудукни ҳисобланган қуввати-18,5 кВт

Тик кудукни электр таъминоти лойихаси куриб чиқилди. Лойиха талабларга  
жавоб беради.

**ХУЛОСА**

Лойиха «Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ билан  
«келишилди» деб топилсин.

Техник масалалар  
буйича директор

А.Нуралиев

**КАРТАЖНЫЙ ОТРЯД "СУВМАХСУСТАБИР"**

Район ФАРФОНА ФАРФОНА В/П

Скважина № ОКБИПОВА ПОРТАК МОРЦ.

Вид исследований станд электрокаротаж

Забой 160 м Уровень Раствора до устья

Долото 3И мм Удельный вес 1.14г/см<sup>3</sup>

Ø - 160 м Условные обозначения скорость регистр

**МАСШТАБ 1:1000**

Зонд \_\_\_\_\_ А2 ОМ 05 N 1500 м/час

Зонд \_\_\_\_\_ N2 ОМ 05 А 1500 м/час

\_\_\_\_\_ ПС 1500 м/час

Дата исследований 07.08.2022 А.Расулов

